

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 59 Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1127-4*

*(2010 йил 1 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 27 мартдаги 2002-06-сон буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1127, 2002 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 8-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 22 декабрь,  
2009-50-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.